



ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдусаматов Хусниддин

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0001-0617-7566

x.abdusamatov292@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳон амалиётидаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон банк тизимида ташкил этиш масалалари, шу жумладан тижорат банклари фаолиятига МҲХСни жорий этишда банкларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш асосида хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўллаш тартиби ёритилган. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашнинг амалий жиҳатлари ўрганилган ва уни амалиётга жорий этиш тартиби ёритиб берилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти, ички банк операциялари, банк тизими стандартлари, молиявий инструментлар, трансформация, молиявий ҳисобот.

ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В БАНКОВСКУЮ СИСТЕМУ УЗБЕКИСТАНА

Абдусаматов Хусниддин

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы организации международных стандартов финансовой отчетности в банковской системе Узбекистана на основе мировой практике, в том числе порядок внедрения МСФО в деятельность коммерческих банков, специфические аспекты его применения в банках. Были изучены практические аспекты применения международных стандартов финансовой отчетности в коммерческих банках и рассмотрена процедура их внедрения.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, внутрибанковские операции, стандарты банковской системы, финансовые инструменты, трансформация, финансовая отчетность.

ISSUES OF IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE BANKING SYSTEM OF UZBEKISTAN

Abdusamatov Husniddin

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. *This article analyzes the issues of the organization of international financial reporting standards in the banking system of Uzbekistan in world practice, including the issue of the introduction of IFRS in the activities of commercial banks, specific aspects of its application in banks. In banking practice, the specifics of the introduction of IFRS in international banking practice and the specifics of its implementation are analyzed.*

Keywords: *international financial reporting standard, inside banking operations, banking system standards, financial instruments, transformation, financial reporting statements.*

Кириш.

Иқтисодий эркинлаштириш ва рақамлаштириш шароитида янги Ўзбекистон иқтисодиётида банк тизими хорижий инвестицияларни мамлакатга олиб киришда ва уларни самарали бошқаришда банк-молия тизими муҳим ўринни эгаллайди. Айниқса хорижий маблағларни иқтисодиёт тизимига жалб этиш жараёнида банк тизими муҳим бўғим ҳисобланади. Чунки ушбу хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётига банк тизими орқали жалб қилинади. Шу сабабли банкларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини халқаро талаблар асосида ахборотларни етказиб бериш масаласида чет эллик инвесторлар учун асосий банк фаолияти бўйича ахборот етказиб берувчи банк тизими ҳисобланади ва улар ушбу ахборотнинг таъминот манбаси ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши муҳим ҳисобланади. Чунки хорижлик инвесторлар молиявий ҳисобот ахборотларини тушуниши ва уларни ўқий олиши ва унинг асосида тегишли бошқарув қарорлари қабул қилишида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тақдим этилган консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари асосий манба бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли банк тизимида амалга оширилган назарий ва амалий изланишларнинг ривожланишида, айниқса халқаро стандартларнинг жорий этилишидаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимини топишга доир изланишларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ушбу соҳада илмий изланиш олиб бориш кераклигини белгилайди. Айниқса Ўзбекистон иқтисодиётининг халқаро интеграциялашувида хорижлик турли мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларини бир хил тушуниш ва таҳлил қилиш имконини бериши, бунда мамлакатимиздаги банкларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини хорижлик инвесторлар томонидан таҳлил қилиши ва банк тизимидаги молиявий рискларнинг таъсирини бир хил методикада ҳисоблашни амалга ошириш ва бу соҳадаги муаммоларни ечимини топиш учун энг аввало тижорат банклари тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш ва молиявий ҳисоботларни шу стандартлар асосида шакллантириш зарариятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг шаффофлиги ва ишончилигини таъминлаш мақсадида банк ҳисоб тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талаблари асосида юритилиши ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини оширади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ушбу масалада тегишли Қарор қабул қилинган бўлиб, унда қуйидагича таъкидлаган, “акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан

бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртaroқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно” (Қарор, 2020). Демак мамлакатимиздаги тижорат банклари ушбу Фармонга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий хўжалик фаолиятига оид молиявий ҳисоботларни тайёрлаш МҲХСлари асосида амалга ошириш белгилаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Демак мамлакатимиздаги банк тизими томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар талаблари асосида тақдим этилиши белгиланган. Шу сабабли мамлакатимиздаги банк тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш натижасида тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларини халқаро амалиётга мувофиқ шакллантириш учун имконият пайдо бўлади. Халқаро стандартлар талаблари асосида тузилган тижорат банкларнинг молиявий ҳисоботларини ва унинг асосини чет эллик ҳамкор, инвесторлар томонидан ўқий олиши, тушуниши ва натижада шу асосда банк фаолияти бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиши мумкин бўлади ва халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантирилган тижорат банкларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тушуниши имконияти пайдо бўлади ва ҳисобот кўрсаткичларининг шаффофлиги ва уни молиявий ҳисобот бўйича ахборот истеъмолчилари томонидан тушуниши, тегишли қарор қабул қилиши учун асос пайдо бўлади.

Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг ташкилий асослари, уларнинг фаолиятини амалга оширилишида ўзига хослилик даражаси, айрим банк операцияларининг ўта мураккаб бўлишлиги сабабли уларни ўзига хос шаклда ташкил этиш ва банк томонидан амалга оширилаётган айрим операциялар хажмларининг жуда катталиги сабабли уларни ўзига хос бўлган томонларини инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби амалиётида уларни акс эттиришнинг ўзига хос жиҳатларини, операцияларнинг мураккаблиги, айрим операцияларнинг биринчи марта содир бўлганлигини инобатга олиш ва ҳисоб тизимида акс эттирида ўзига хос бўлган ҳолатларини ҳисобга олиш зарурияти пайдо бўлади. Айниқса Ўзбекистонда банк тизимининг ривожланиши, хорижий молия институтлари билан ўзаро алоқаларнинг ривожланиши натижасида тижорат банкларининг фаолияти бўйича консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва уни консолидациялашган молиявий ҳисоботларни давр талабларига мослаштириш ва уларни бутун жаҳон ҳамжамиятида фойдаланилаётган тартиб-тамойиллар асосида ташкил этишни замон тақозо қилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида яна бир муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан биринчи марта қимматли қоғозларни халқаро фонд биржаларида иштирок этиши натижасида уларни ҳисоби масаласини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурияти пайдо бўлади. Бундан ташқари банк тизимида чет эллик инвесторлар жалб қилиниши ва мамлакатимиздаги тижорат банкларини чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларининг ривожланиши, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш МҲХС фойдаланиши, банкнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини шакллантириши ва ушбу маълумотларнинг ҳаққоний эканлигини халқаро аккредитациядан ўтган ташқи аудиторлик компаниялари томонидан молиявий ҳисоботлар аудит текширишини ўтказилиши, уларнинг банкларда ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишини ташқи аудит текширувларидан ўтишини халқаро аудит компаниялари томонидан амалга оширилиши натижасида халқаро талабларга мос келиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Шу сабабли тижорат

банкларининг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини халқаро стандартларга мос равишда юритишилиши ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларни халқаро талабларда белгиланган кўрсаткичлар асосида шакллантирилиши ташқи аудиторлик текширувларини халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширилиши лозимлиги белгиланди. Бундан ташқари банкларнинг ташқи аудитини амалга оширувчи аудиторлик компаниялар дунёга машҳур бўлган ва йирик компаниялар ҳисобланади. Ўзбекистон тижорат банкларини ташқи аудитини амалга оширувчи йирик аудиторлик фирмалари, яъни катта тўртлик:

- 1) Эрнест Энд Янг,
- 2) Делойтд Энд Тушъ,
- 3) КПМЖ,
- 4) Прайс Ватер Хаус Куперс ва дунёдаги йирик яна иккита компания
- 1) ПКФ Мак Альянс,

2) Грант Торонто¹ томонидан тижорат банкларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботлари ва уларнинг иловалари бўйича ташқи банк аудити амалга оширилади. “Бунда консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари: молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, фойда ёки зарарлар ҳамда ички назорат тизимини баҳолаши, таҳлилий амалларни қўллаши каби масалаларнинг халқаро талаблар асосида ечимини топиш зарурияти вужудга келади” (Yadgarova, Qurbonov, 2019).

Тижорат банкларида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантириш, уни халқаро талаблар асосида ташкил этиш, банк тизимининг мақсад ва вазифалари, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари ва ушбу масаланинг амалга ошириш ва МҲХС банк амалиётига жорий этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу масалада турли иқтисодчи-олимлари томонидан бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.

Жаҳон иқтисодиётга Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини уйғунлашуви сабабли банкларнинг фаолият натижасида маълумотларнинг шакли, сифати, ишончлилиқ даражасини таққослаш имконияти пайдо бўлмоқда ва тақдим этилаётган иқтисодий маълумотларни шакллантиришда ягона бўлган банклардаги ҳисоб тизимини юритилишининг зарурияти келиб чиқади. Ушбу масалада иқтисодчи-олимлар томонидан шундай фикр билдирилган: “Ана шундай ягона тизим молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ҳисобланади ва ушбу стандартлар 1973 йили 10 та йирик мамлакат АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Канада, Австралия, Ирландия, Голландия ва Мексика малакатларининг бухгалтер ва аудиторлар уюшмаси томонидан Молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган бухгалтерия тамойилларини бир шаклга келтириш мақсадида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича Қўмитаси (МҲХСҚ) тузилган. Бугунги кунда Қўмита 112 мамлакатнинг 153 та шундай уюшмани ўзига жамлаган (Ибрагимов ва бошқ., 2020).

Шундай қилиб, ушбу халқаро стандартлар дунёда барча мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларининг энг яхши жихатларини инобатга олган ҳолда, уларни такомиллаштириб ҳамма учун мақбул бўлган молиявий ҳисоботларнинг унверсал стандартларини яратиш ва ҳаётга жорий қилиш йўллари излаб топиш ҳисобланади.

Бошқа иқтисодчи-олима Ибрагимова (2020) томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтиш масаласида қуйидагича фикр билдирилганлигини кўришимиз мумкин: “Шуни таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” деган фикрни

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк сайти. // <https://cbu.uz/oz/>

билдириб асосий эътиборни ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш масаласига қаратади.

Бундан ташқари, ушбу масалада иқтисодчи-олима Ибрагимова (2023) томонидан шундай фикр билдирилган: “Хорижий мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш усуллариининг самарадорлиги, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўйилган рейтинг натижалари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- кўпчилик давлатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлади;
- ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида фойдаланилади;
- фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни МҲХСларига мос равишда тузилишини талаб қилинганда;
- МҲХС талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компаниялар сони ортганлиги туфайли фойдаланилади” (Ибрагимова, 2023).

Демак ушбу МҲХС бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар МҲХСни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса, мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ушбу изланиш доирасида тижорат банкларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш доирасида халқаро стандартларни қўлланиши банк фаолиятининг шаффофлигини оширади ва уларнинг молиявий ҳисоботларни банк фаолияти билан қизиқувчилар томонидан таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида МҲХСини жорий қилиниши натижасида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш имконини беради ва ҳисоб тизимини юритишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса бухгалтерия ходимлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг асосий тамойиллари ва услубий асослари тўғрисида етарли даражада тушунча ва билимларга эга бўлишлари, консолидациялашган молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш имконига эга бўлиши керак. Шу сабабли банк молиявий ҳисоботларни таҳлили натижасида банк билан боғлиқ томонлар ушбу кўрсаткичлар асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконига эга бўлади.

Шу жумладан, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга уриниши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини, миллий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ушбу кўрсаткичлар билан мувофиқлашувини амалга ошириш учун албатта таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиши лозим. Айниқса тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини қўлланишида таҳлилий амаллар Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг халқаро банк тизимига уйғунлашувига катта ёрдам беради ва уларнинг қимматли қоғозларининг халқаро фонд биржаларида котировка қилишига таъсир қилади.

Шу сабабли ушбу масалада бир гуруҳ олимлар томонидан ушбу масаланинг мамлакатимизда муҳимлигини қуйидагича таъкидлашган:

“Республикаimizдаги банк ва молия тузилмаларини жаҳондаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар банк тизимлари қаторига киришини таъминлаш ва бу соҳада жаҳон амалиёти ютуқларини бевосита банк тизими фаолиятига қўллаш, жаҳон

банк тизимидаги банкларнинг молиявий ҳисоботларини тузишнинг концептуал ва ўзига хос асосларини ишлаб чиқариш ва банк амалиётига қўллаш бевосита банкларнинг ривожланиши ва мустақамланишига туртки бўлади. Шунини таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда хориж сармояларининг сезиларли равишда ортиб бориши банк тизимига бўлган ишончнинг янада ошишидан далолат бермоқда” (Монография, 2011). Натижада Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг турли потенциал фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг сифат тавсифини ва ахборотларнинг ошкоралик даражаларини янада кучайтириш лозимлигини билдиради ва бунда жаҳон амалиётида ишлаб чиқарилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллаш катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини жорий қилиниши унинг ривожланиши ва халқаро молия институтлари билан алоқасини янада яхшилайдди.

Демак юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу масалада иқтисодий адабиётларда иқтисодчи-олимлар томонидан турлича фикрлар билдириши ушбу масаланинг етарлича пухта ишланмаганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, тижорат банкларида молиявий ҳисобот шакллари умумий ва тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда қуйидаги стандартлардан фойдаланилади: Молиявий ҳисобот шакллари ва стандартлари (IAS №1 “Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш”, IAS № 7 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”, IAS №8 “Молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсати”, IAS №27 “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисоботлар”, IAS №32 “Молиявий инструментлар: ахборотни тақдим қилиниши,” IFRS №7 “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиб бериш”, IFRS №-9 “Молиявий инструментлар” номли расмий манбалар орқали қайд қилинган.

Чунки Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан ҳисоботни шакллантиришда ушбу МҲХС қўллаши муҳим аҳамият касб этади. Масалан: банкларда молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботга кириши лозим бўлган ахборотлар таҳлил учун қулай бўлган тартибда жойлаштирилиши керак. Бухгалтерия моддаларини жойлаштиришда уларнинг ликвидлилик даражасига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Айниқса тижорат банклари томонидан ушбу ҳисоботни кўрсаткичларини шакллантириш жараёнида алоҳида ўзига хос жиҳатлари, бунда қуйидаги қоидалар муҳим роль ўйнайди. Баланс моддаларини жойлаштиришда уларнинг ликвидлилик даражаси ҳисобга олинади, яъни тезкор ликвидли активлардан қийинларига, қисқа муддатли мажбуриятлардан узоқ муддатлиларига ўтиш тартибига риоя қилинади. Бундан ташқари активларни даромад келтирадиган: банкнинг бошқа банклардаги ҳисобварақлари, қимматли қоғозларга инвестициялар, кредит ва лизинг каби активлари муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари даромад келтирмайдиган активларига асосий воситалари, номоддий активлар, бошқа активлари, кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, қимматбаҳо металллар, тангалар, тошлар, мижозларнинг молиявий инструментлари ва бошқалар киради. Ушбу жараён муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил қилиш, уларнинг даромад ва харажатларини аниқлаш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Шунда амалдаги активларни жорий мажбуриятлар билан солиштириш имконияти туғилади. Бу эса баланснинг ликвидлигини аниқлашда ахборот фойдаланувчиларига қулай имконият яратади. Ушбу масалада халқаро талаблар доирасида белгиланган қоидалар, шу жумладан банк тизими учун ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тизими масаласи муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг фаолиятига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этилиши тартибини ўрганиш асосида қуйидаги таклифлар берилди:

1. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёнида халқаро талабларга мос равишда ҳисобот тузишда асосий масала молиявий ҳисоботларни МХХС талаларига мос равишда ташкил этиш зарурияти пайдо бўлади;

2. Хорижий пул ўтказмаларни ва чет эл банклари билан амалга ошириладиган ўзаро муносабатлар бўйича банк амалиётини ташкил этишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос равишда ташкил этиш ва унинг ҳисоботларини халқаро талабларга ўзаро мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

Шундай қилиб, ушбу мақола бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларни амалиётга жорий қилиниши натижасида тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро талаблар асосида юритиш имкониятини беради ва ушбу жараён янада яхшиланади ва улар халқаро талаблар доирасида тартибга солиш имконияти яратилади.

Adabiyotlar/Lumepamypa/Reference:

Ibragimova I.R. (2020) *Aksiyadorlik jamiyatlarida xalqaro standartlarni joriy qilinishi xususiyatlari.*// *IQTISODIYOTNING RAQAMLASHUVI SHAROITIDA BANK-MOLIYA TIZIMINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiya tezislari to'plam.* –T.: «Iqtisod-Moliya», – 820 б. Б.608-613.

Yadgarova M., Qurbonov R. (2019) *Bank auditi: Darslik/;* — T.: «Iqtisod-M oliya», - 320 b. Б.12.

Ибрагимов А.К., Умаров З.А., Хотамов К.Р., Ризаев Н.Қ. (2020) *Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари:*Дарслик, / – T.: «Iqtisod-Moliya», – 560 б.Б.9-14.

Ибрагимова И.Р. (2023) *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. И.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф.* Тошкент: ТДИУ, -24б. Б.12-13.

Қарор (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон Қарори.*

Монография (2011) *Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси/ Ҳаммуаллиф- Т: «МОЛИЯ», - 206 б. Б.48-52.*